

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини туғатиш тўғрисида)

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

2022 йил май ойининг 11 кuni жиноят ишлари буйича Урганч шаҳар суди, Урганч шаҳар “Камолот” маҳалла фуқаролар йиғини биносиди, очик сайёр суд мажлисиди, судья Хасановнинг раислигиди, Н.Рузибоевнинг котиблигиди, Урганч шаҳар судининг катта ёрдамчиси Ж.Сабилов, жабрланувчининг қонуний вазирлиги Л.Аллаберганова, фуқаровий даъвогар Р.Матмуротов, судланувчи Э.Матмуродовнинг иштирокида,

Матмуродов Элмурод Равшанбек ўғли (Matmurodov Elmurod Ravshanbek o'g'li) 2002 йил 18 декабрь кuni, Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Урганч давлат Университети Иқтисодиёт факультети 2-босқич талабаси, уйланмаган, муқаддам судланмаган, Хонқа тумани, “Мустақиллик” маҳалласи, Илғор кўчаси, 68-уйда яшайди, 2022 йил 9 апрель кунидан муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 26 апрель кuni олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-2201-2201/107-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи хужжатларига кўра, Э.Матмуродов 2022 йил 28 февраль кuni соат 10:30 ларда, отаси Р.Матмуратов номида бўлган “Спарк” русумли 90 О 144 АА давлат рақам белгили автомашинасида Урганч шаҳар, И.Каримов кўчасида ҳаракатланиб келиб, шу кўчада жойлашган Хоразм вилояти ИИБ га қаршли спорт Маркази биноси рўпарасига келган вақтида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган 11-бандининг “г” кичик банди, “Ёндош ҳудудлардан йўлга чиқаётган ҳайдовчи унда ҳаракатланаётган транспорт воситалари ва пиёдаларга, шунингдек йўлдан чиқишда ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак” деб кўрсатилган 54-банди, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг



Protected by PDF Anti-Copy Free  
Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark

ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тула тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўхатиши бошқа ҳаракат қилнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган 77-банди, “Тартибга солинмиш пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳаракат қилнаш қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юборишнинг тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт” деб кўрсатилган 109-банди, “Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштира ёки тўхта, кўшни бўлақларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин” деб кўрсатилган 110-банди талабларини кўпол равишда бузиб, ушбу кўчада жойлашган пиёдалар ўтиш йўлаги орқали йўлни ўзига нисбатан ўнг томондан чап томонга кесиб ўтаётган вояга етмаган Д.Рўзметовани автомашинаси ўнг томон олд қисми билан уриб юбориб, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида, унга оғирлик даражаси бўйича узоқ муддат яъни 21 кундан ортиқ аммо 4 ойдан кўп бўлмаган муддатга соғлиқни бузилиши билан боғлиқ бўлган “ўртача оғир” тан жароҳати ҳамда отаси Р.Матмуратовнинг номида бўлган “Спарк” русумли 90 О 144 АА давлат рақам белгили автомашинага жами 605.000 сўмлик моддий зарар етишига сабабчи бўлган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Л.Аллаберганова суд мажлисида, 2022 йил 28 февраль куни соат 10:30 ларда 04.02.2005 йилда туғилган қизи Д.Рўзметова пиёдалар ўтиш йўлаги орқали йўлнинг деҳқон бозори томонга кесиб ўтаётган вақтида, “Спарк” русумли автомашинаси ҳайдовчиси Э.Матмуродов бошқарувидаги автомашинаси билан қизини уриб юбориб, қизига шикаст етказганини, шундан сўнг қизини Э.Матмуродов шифохонага олиб бориб, даволанишига ёрдам берганини, ҳозирда қизини соғлиги яхши эканини, уни автомашинасида уриб юборган Э.Матмуродов билан ўзаро ярашиб олганликларини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судга ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида судланувчи Э.Матмуродов билан ўзаро ярашганликларини, ҳозирги кунда уни кечирганини, моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, шу ҳақда ариза тақдим қилди.

Фукаровий даъвогар Р.Матмуротов суд мажлисида, “Спарк” русумли 90 О 144 АА давлат рақам белгили автомашинасини 2018 йилда сотиб олиб, унинг барча тўловларини қилиб, ўз номига расмийлаштириб олганини, автомашинасига 605.000 сўмлик зарар етказилганини, ҳозирда ушбу зарарлар қопланганини, ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судга ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида судланувчи Э.Матмуродов билан ўзаро ярашганликларини, ҳозирги кунда уни кечирганини, моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси



йўқлигини, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, шу ҳақда ариза такдим қилди.

Судланувчи Э.Матмуродов суд мажлисида, айбига тўла иқрорлик билдириб, 2022 йил 28 февраль куни соат тахминан 10:30 ларда ўз бошқарувида бўлган “Спарк” русумли 90 О 144 АА давлат рақам белгили автомашинасини Урганч шаҳрида И.Каримов кўчасида бошқариб келиб, йўлнинг ўзига нисбатан ўнг тарафдан чап томонга пиёдалар ўтиш йўлаги орқали кесиб ўтаётган жабрланувчиганига ҳужум қилганини, жабрланувчиганига ҳужум қилганига эҳтиётсизлиги натижасида автомашинасини олд томони билан уриб юборганини, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарлар билан ярашиб олганини, уларни ўзига нисбатан даъвоси йўқлигини билдирди ва ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида, айбига иқрор эканлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатиб, ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, шу ҳақда ариза такдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчининг қонуний вакили билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, иш бўйича судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарларни кўрсатувларини ҳамда прокурорнинг фикрини эшитиб, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талабларини тушунтириб, огоҳлантириб, судланувчи айбига тўла иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилмишини оқибатларини тушуниб етганлигини, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарлар билан ярашганлигини, келтирилган зарарларни тўла қоплаганлигини, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инobatга олиб, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, суд Э.Матмуродовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ушбу ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



## А Ж Р И М Қ И Л Д И

Protected by PDF Anti-Copy Free

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 206-моддаси 1-қисми билан судланувчи Матмуродов Элмурод Равшанбек угли (Matmurodov Elmurod Ravshanbek o'g'li)га нисбатан бўлган 1-2201-2201/107-сонли жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносивати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисми билан осон айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Э.Матмуродовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ушбу ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози томон йигирма сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди орқали Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья**

**М.Хасанов**

